КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ ЯНГИ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛАМИЗ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 39 (4437).
18 ФЕВРАЛЬ, 1981 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

● 17 февраль куни Москвада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри Шт. Андрей билан музокаралар олиб борди.

Уртоқларча амалий вазиятда ўтган музокаралар чоғида икки томонлама муносабатларнинг баъзи масалалари, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

● «Тинчлик ва яратувчилик йўлидан» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.



● Киров район СИФАТЛИ АДО ЭТИБ

Юнусободдаги 2-техник хизмат кўрсатиш станциясининг коллективи КПСС XXVI съездини улкан ютуқлар билан кутиб олишга аҳд қилган. Коммунистлар социалистик мусобақада биринчилар сафида боришмоқда. Автослесарлар С. Ахадов ва С. Тошмуҳамедов смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, ремонт ишларини сифатли бажаришга эришишмоқда.

2-техник хизмат кўрсатиш станцияси шаҳримиздаги энг илғор устахоналардан бири ҳисобланади. «Ташавтотехобслуживание»нинг Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси ўнинчи беш йиллик якунлари бўйича КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

СУРАТЛАРДА: (чапдан-ўнгга) 2-техник хизмат кўрсатиш станциясининг илғор ишчилари М. Гурьянов, Н. Шивалдов, Э. Абибулов, Ф. Абибуллаев, А. Муротов; автослесарь В. Стельников машинани созламоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

● Ҳамза района ҚУВВАТНИ ОШИРИБ

Кеча Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводининг клуби байрам либосига бурканди. Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин ўнинчи беш йилликда юксак иш сифати ва самарадорликка эришганлиги учун машинасозлар коллективига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини ҳамда эсдалик нишонини тантанали равишда топширди.

У ташсельмашликларга 1976—1980 йилларда қишлоқ хўжалигини янада механизациялаштириш борасидаги фидокорона меҳнати учун миннатдорчилик билдириб, заводнинг номи СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг Бутуниттифоқ «Ҳурмат таҳтаси»га ёзилганлиги билан қизғин табриклади.

— Корхонамиз тармоқ бўйича мамлакатимиздаги ягона корхона, — деди тантанали йиғилишда завод директори О. В. Новицкий. — Биз барча қардош пахтачилик республикаларини пахта териш техникаси билан таъминламоқдамиз, экспортга чиқармоқдамиз. Фақат ўтган йилнинг ўзида машиналар ёрдамида 5,2 миллион тонна, шу жумладан Ўзбекистонда тўрт миллион тонна нага яқин пахта териб олинди.

Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида завод коллективи номенклатура ва асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича давлат планларини ортиғи билан бажариб келди, тармоқ корхоналари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада бир неча марта ғолиб деб топилди.

Ўнинчи беш йилликда заводнинг биринчи навбати реконструкцияси амалга оширилди. Натижада тўрт қаторли машиналар ишлаб чиқариш бўйича маҳсулот реализация қилиш бўйича беш йиллик планни, 26 октябрда эса ишлаб чиқариш ҳажми бўйича давлат планини бажариб, қўшимча 150 та пахта териш комбайни тайёрлаб бердилар.

Ишлаб чиқарилаётган техниканинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, созловчи Н. Удалова, КПСС XXVI съезди делегати токарь-автоматчи Ю. Степаненко ва бошқалар энг яхши кўрсаткичга эришмоқдалар.

Тантанали йиғилишда токарь О. Ҳусанов, ишчи О. Девяткина, 10-цех бошлиғи Г. Хацринов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар КПСС XXVI съездини қандай меҳнат совғалари билан кутиб олаётганликлари ва 1981 йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш имконини бераётганлиги ҳақида гапирдилар. Социалистик мусобақа илғорларидан бири Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат Белгиси орденлари кавалери слесарь-йиғувчи Виктор Глуховга завод директори О. Новицкий СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг фахрий дипломини ва бепул олиши учун «Москвич—412» автомобилига ордер топширди.

● Ленин района ВАЪДАГА ВАФО

Икки ойлик планга қўшимча 30 минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг ходимлари КПСС XXVI съезди шарафига ана шундай мажбурият олишди. Улар ўз сўзларининг уддасидан чиқишмоқда. Коммунистларнинг Бутуниттифоқ анжумани бошланиши арафасида Ўзбекистон Компартияси XX съездининг делегати, ҳарф терувчи Л. Буравлева, наборчи Р. Ғарипов, Т. Ибрагимов, ишчи В. Тигай, В. Муҳамедов ва бошқалар икки ойлик топшириқни бажарганликлари ҳақида рапорт беришди.

— Яхши ишларимиз жуда кўп,— дейди касаба союз комитетининг раиси Ҳаким Қўчқорович Солиҳов. — Нашриётимиз коллективи КПСС XXVI съезди очиладиган кунда «Правда» газетасининг бутун тиражини тежаб қолинган қоғоз ҳисобига босмадан чиқаришга аҳд қилган.

● Собир Раҳимов района 13 минг зарбдор

КПСС XXVI съезди очилиш арафасида пойтахтнинг Собир Раҳимов районидаги корхоналар ва ташкилотларнинг 13 мингдан кўпроқ меҳнаткашлари коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Бу номга эришганларнинг аксарияти коммунистлардир.

Партия XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақанинг олдинги сафида «Компрессор» заводининг фрезерчиси М. Курмашов, «Миконд» заводи токари М. Саидов, агрегат заводининг қирқувчиси А. Муталов, «Тошкент» мебель бирлашмасининг пардозловчиси М. Миразизова, 3-автопарк шофёри З. Юнусов, 6-трест 33-қурилиш бошқармасининг К. Умаров бошлиқ бригада қурувчилари ва бошқа кўпгина ишчи гвардиялари боришмоқда. Улар партия XXVI съезди очиладиган кунни биринчи квартал планини бажариш билан кутиб олишга аҳд қилишган.

Ишлаб чиқариш илғорларининг бу ватанпарварлик ташаббусига 6 та цех, 50 га яқин участка, 40 дан ортиқ бригада коллективлари қўшилишди.

● Акмал Икромов района МУСОБАҚА АВЖ ОЛМОҚДА

Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг 12-трестида КПСС XXVI съезднни муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа тобора авж олмоқда.

Трестдаги бир ярим мингга яқин қурувчи ва инженер-техник ҳозирги коммунистларнинг Бутуниттифоқ анжуманини муносиб кутиб олиш ниятида ўз зиммасига олган мажбуриятларини шараф билан уддаламоқда. Кўпгина бригада ва участкалар, айрим қурувчилар ҳозиргинг ўзидаёқ биринчи квартал планини уддалаб қўйишди.

Меҳнат беллашувида Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденининг кавалери, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг делегати Т. Самиров етакчилик қилаётган бригада пешқадамлик қилмоқда.

51-қурилиш бошқармасидаги Ю. Дибердиев етакчилик қилаётган бригадага эса «Марказ—22» микрорайонидаги кўп қаватли экспериментал бинони қуриш ишониб топширилган. Икки минг оилага мўлжалланган бу бино Тошкентда биринчи марта тикланади. Комплекснинг биринчи навбатини шу йилнинг биринчи кварталида фойдаланишга топшириш белгиланган.

52-қурилиш бошқармасининг пардозловчилари ҳам тошкентликларга ажойиб меҳнат совғасини ҳозирлашмоқда. 150 дан зиёд жилокор Бош универсал магазини ёнидаги турар жой биносини, Бобир кўчасидаги шифохонани фойдаланишга топширишга ҳозирламоқда.

Январь ойида юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришган трест коллективи зиммасига оширилган социалистик мажбурият қабул қилди.

● Чилонзор район ТЕЖАЛГАН ХОМ АШЁ ҲИСОБИГА

КПСС XXVI съезди ўз ишини бошлайдиган кун фақат тежаб қолинган хом-ашё ва материал эвазига маҳсулот ишлаб чикарилади. Шу куни 10 минг жуфт пойафзал тайёрланади. Тошкент 2-пойафзал фабрикасининг коллективи ана шу ҳақда социалистик мажбурият қабул қилган.

Пойафзалчи л а р умумхалқ байрами — мамлакат коммунистларининг анжуманини очилишини кўтаринки руҳ билан кутиб оладилар. Ўтган ўнинчи беш йиллик плани барча техника—иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари— ўтган йилнинг 29 декабрида бажарилган. Маҳсулот реализацияси бўйича беш йиллик топшириқ эса ундан ҳам олдин —25 октябрда адо этилган.

Тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатини бир йўла яхшилаб бориш натижасида бундай ютуқларга эришилмоқда. Ўтган ўнинчи беш йилликнинг бошида давлат Сифат белгиси билан маҳсулот тайёрлаш умумий маҳсулот миқдорининг 0,3 процентини ташкил этган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 25 процентгача ўсган. Корхонада ҳаммаси бўлиб, 16 хил маҳсулот олий сифат категориясини олган.

Корхонада ишлаб чиқариш илғорлари кўпчиликни ташкил этади. 700 киши беш йиллик планни муддатидан илгари адо этди. 11 илғор ишчи бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажарди. Улар орасида тайёрловчи, шаҳар Совети депутати Раиса Чумбаева, комсомол аъзоси Светлана Арямнинова, София Панина, Валентина Пенолова, Фарида Жўраева ва бошқалар бор. Материалларни қирқувчи Миракбар Ходиев, район Советининг депутати, бичиқчи Нина Иброҳимова ва бошқалар ҳам яхши меҳнат қилишмоқда.

● Октябрь района ЮКСАК УНУМ БИЛАН

Бизнинг корхонамизда ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан қуроллантириш давом эттирилмоқда. Масалан, мен ишлаётган цехда «РК—84» маркали янги машина ўрнатилди. У жуда тезлик билан тегишли листларни босмадан чиқаради. Унда йил мобайнида 50 миллион лист-оттиск печать қилиш мумкин. Ваҳоланки, эски машиналарда 30-35 лист оттиск печатланарди. Бу йил биз Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат ҳамда «Ўзбекистон» нашриёт л а р и н и н г бюуртмалари бўйича фотополимерли формада иккита нашрни қўлдан чиқардик. Бу илғор иш усули ўтганйили жорий этилган эди. Ҳозир эса бу ишлаб чиқаришнинг энг серунум жараёнларидан бирига айланиб қолди.

Корхона коллектива техника тараққиёти изидан оғишмай бориб, КПСС XXVI съезди шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқда. Чунончи, В. И. Ленининг Ўзбек тилидаги 55 томи, Ўзбек Совет Энциклопедия сининг 14 томи ва бошқа кўплаб съездолди материаллари юксак сифат билан муддатидан илгари чоп этилди. Хуллас, мажбуриятда кўрсатилган умумий 27 буюртмадан тўртта буюртмани бажариш вазифаси қолди, холос. Буларнинг ҳаммаси мана шу ҳафтанинг ичида бажариб берилади. Шахсан мен ҳозир Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» номли олти томли рисоласини сифатли ва чиройли чоп этмоқдаман.

Бизнинг коллективимизда кўплаб ишчилар 23 февралга қадар икки ва уч ойлик топшириқларни бажариш учун курашмоқдалар. Съездолди зарбдор меҳнат вахтасида А. Эшманова ва С. Гадимова бошлиқ комсомолёшлар бригадалари, М. Зайтаева бошлиқ рангли печать печатниклари, ҳарф терувчи М. Козлова ва бошқалар пешқадамлик қилишмоқда.

«Матбуот» бирлашмаси коллективи январь ойида маҳсулот реализация қилиш ҳажмини 101,1 процент бажариб, пландан ташқари 1100 минг листоттиск печать қилиб берди.

Н. ВАХРУШЕВА,
«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси печатниги, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Ижодий алоқалар мустаҳкамланмоқда

Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат академик Катта театрининг коллективи шу кунларда энг яхши спектакларни томошабинларнинг эътиборига ҳавола қилмоқда. Уларнинг орасида «Лайли ва Мажнун» премьераси ҳам бор.

Партия съездига тайёргарлик тадбирлари планини ишлаб чиқаётганда театр маъмурияти ва партия ташкилоти томошабинлар билан бўладиган ижодий учрашувларни ўтказишга алоҳида эътибор берди. Жумладан, Октябрь революцияси номли заводда, «Политотдел» колхозида, 1-шаҳар касалхонасида, фармацевтика институтида, қатор корхона ва ташкилотларда ана шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

● Куйбишев район ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Нигирмата илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа-конструкторлик ишларини ниҳоясига етказиш, камида 50 та авторлик гувоҳномасини олиш — Куйбишев районининг илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари ходимлари ўн биринчи беш йиллигининг биринчи йилида ўз олдиларига ана шундай вазифа қўйишди. Ўнинчи беш йилликда эришилган ютуқлар бу режани муваффақиятли амалга оширишнинг гарови бўлади. Олимлар ишлаб чиқариш ходимлари билан мустаҳкам алоқада иш олиб бориб, республика халқ хўжалигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшдилар. Районнинг илмий муассасалари ҳар йили ишлаб чиқаришга 400 тадан илмий-техника ишларини тайёрлаб бермоқдалар. буларнинг иқтисодий самараси 100 миллион сўмни ташкил этмоқда. Фақат 1980 йилнинг ўзидагина илмий-тадқиқотларни амалга ошириш туфайли 215 миллион сўм самара олинди. Бу эса 1979 йилга нисбатан икки мартадан зиёдроқдир. Фан ходимлари, профессор ва ўқитувчилар состави 186 та авторлик гувоҳномаси, 10 та патент олишди. 2500 та илмий мақола ва 83 та монография нашр этилди.

Масалан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар эксперименталь биологияси институтининг олимлари ўнинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигига пахтанинг ўта юқори хосилли навини яратиб бердилар. 1980 йилда институтнинг ана шу навлари республика пахтазорларининг 67 процент қисмига экилди. Янги навларни жорий этиш натижасида республикада пахта ҳосилдорлиги 1970 йилдаги 26,3 центнер ўрнига 1980 йилда 32,3 центнерга кўтарилди. Янги навларнинг иқтисодий самараси фақат ўнинчи беш йилликнинг ўзидагина бир миллион сўмни ташкил этди. Механика ва зилзилага чидамли институт тадқиқотларининг самарадорлиги бўйича районимизда иккинчи ўринни тутади. Пахта териш машиналари учун янги конструктив тадқиқотларни, метрополитен қурилишидаги таклифларни ва бошқа тадқиқотларни амалга ошириш натижасида 23 миллион сўмдан зиёд иқтисодий самара олинди. Шунингдек, «Кибернетика», САНИИРИ бирлашмалари, химия, энергетика ва автоматика илмий-тадқиқот институтларининг коллективлари ҳам самарали ишлашди.

Р. РИХСИЕВ,
Куйбишев район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

● Фрунзе района Қурилиш объектларига

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари министрлиги қурилиш материаллари комбинатининг коллективи бу йил КПСС XXVI съезди шарафига олган социалистик мажбурияти ҳисобига 10 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Бу Тошкент қурилишларига минглаб рангли пардозлаш плиталари муддатидан илгари етказиб берилди, деган гап. Ўз навбатида бу қурувчиларга объектларни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш имконини беради.

Комбинатда сўнгги съездолди зарбдор ҳафтаси ўтмоқда. Меҳнат беллашувида М. Димент бошлиқ цех коллективи биринчи ўринни эгаллаб турибди. Аксариятини коммунистлар ташкил этувчи мазкур коллектив корхона кўчма Қизил байроғини ўнинчи беш йилликда қўлдан бермай келди. Ҳозир ҳам меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати бўйича у энг юқори кўрсаткичга эга.

1-цехда янги—ҳар йили 250 минг квадрат метр қурилиш материалларини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 3-пардозлаш плиталари линиясини монтаж қилиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Социалистик мажбуриятда ушбу линияни ўнинчи кварталда ишга тушириш кўзда тутилган. Линия ишга тушганидан сўнг корхонада ҳар йили 750 минг квадрат метр пардозлаш плиталари ишлаб чиқарилади.

МАРОҚЛИ СУҲБАТ

Чилонзор район партия комитети Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съезди арафасида меҳнаткашларнинг турар жойлари— маҳаллалар ва уй жой массивларида кенг пропаганда ва тушунтириш ишларини қизғин олиб бормоқда. «Билим» жамияти район ташкилотининг лектор-олимлари аҳоли ўртасида КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йиллар ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳаси, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини кенг тушунтирмоқдалар.

«Дўмбр о б о д», «Москва», «Тинчлик» маҳаллаларида ташкил этилган лекциялар қизиқарли ва мазмунли бўлди. Бу маҳаллаларда Ф. Энгельс номли Тошкент чет тиллар педагогика ва Тошкент халқ хўжалиги институтларининг профессор ва доцентлари И. И. Иномов. А. А. Ортиқов, Х. Ғафуров, Т. Х. Мирзабоев суҳбатлар ўтказадилар.

Бундан ташқари райониинг «Қатортол», «Мевазор», «Каттақозиробод» ва бошқа маҳаллаларида ҳам ана шундай лекция ва суҳбатлар ташкил этилмоқда.

● Сергели района ДАЛАЛАР УЗРА САМОЛЁТЛАР

Ўзбекистон пахтакорлари республикамиз авиаторларининг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки улар йил мобайнида «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштиришда дала меҳнаткашларига самарали ёрдам бериб келмоқдалар. Экинларни озиқлантириш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш, ғўзани дефолиация қилиш— буларнинг ҳаммаси уларнинг ишидир. Бу вазифа АН— 2 самолётлари ёрдамида амалга оширилмоқда.

Шу кунларда Сергели авиакорхонасининг учувчилари Жиззах, Сирдарё ва шунингдек, Ростов областларида муваффақиятли ишлаб, 1981 йил ҳосилини яратиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

КПСС XXVI съезди шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада Озод Ҳасанов командирлик қилаётган экипаж — иккинчи учувчи Сергей Бойко, техник Рашид Каиргельдиновлар яхши натижаларга эришди. Экипаж бир ярим ой мобайнида 100 соат учиб, ҳаводан 2 минг гектар ерни ўғитлашга эришди.

Р. ШАРОПОВ,
Сергели авиакорхонаси учиш бўлинмаси партия ташкилоти секретарининг ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

БАЙРОҚДОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН, 1980 ЙИЛДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНИНИ ВА УМУМАН ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН ЎТ КАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА.

Ўзбекистон меҳнаткашлари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг ва СССР Олий Совети IV сессиясининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошириб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш масалалари юзасидан берган йўл-йўриқларига амал қилиб, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари раҳбарлигида КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 1980 йилги план топшириқларини ва умуман ўнинчи беш йилликни муваффақиятли бажардилар.

1976—1980 йилларда тўққизинчи беш йилликдагига қараганда 18,6 миллиард сўмлик кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Ўзбекистон саноати маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган йиллик планни муддатидан илгари, 26 декабрда бажарди. Реализация қилиш йиллик плани 102 процент бажарилди. Пландан ташқари 283,8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқаришининг жами ҳажми 6,6 процент кўпайди. Маҳсулот реализация қилиш планини асосан ҳамма тармоқлар бажарди. Саноатнинг барча тармоқлари янада ривож топди. Қора металлургия, нефть химияси, газ саноати, машинасозлик, енгил саноат юксак суръатлар билан ривожланди. Саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 100,7 процент бажарилди.

Транспорт, алоқа, савдо ва маиший хизмат корхоналари ҳамда ташкилотлари план топшириқларини ва юксак социалистик мажбуриятларни бажардилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1980 йилги халқ хўжалик планларини ва социалистик мажбуриятларни ҳамда ўнинчи беш йилликни бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришган Қорақалпоғистон АССР, областлар, шаҳарлар (шаҳарлардаги районлар), саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, фан, маданият, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари корхоналари ҳамда ташкилотлари коллективларининг республика социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

Тошкент областидан: Янгиер шаҳри, Ангрен, Янгийўл шаҳарлари, Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов ва Ҳамза районлари,

Қуйидаги коллективлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирланди:

Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг нефть ва газ конлари геология ва разведкаси институти;

(Давоми 2-бетда).

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИДА ЗАРБДОР МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

ОКТЯБРЬ ВА ЧИЛОНЗОР РАЙОНЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1981 ЙИЛГА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ЎЗАРО СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

Партия XXVI съездига тайёргарлик, КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси мусобақадош районларнинг меҳнаткашларига янги куч ва илҳом бахш этди.

Тошкент шаҳрининг Октябрь ва Чилонзор районлари меҳнаткашлари беш йилликнинг биринчи йилини зарбдор меҳнат йилига айлантиришга аҳд қилиб, 1981 йил халқ хўжалиги топшириқларини, ўн биринчи беш йилликнинг улкан вазифаларини муваффақиятли бажарилишига салмоқли ҳисса қўшишга ҳаму-қарор қилдилар.

Октябрь ва Чилонзор районлари меҳнаткашлари меҳнат беллашуви анъаналарини давом эттириб, белгиланган планларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа тўғрисида шартнома тузиб, 1981 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

Ишчи коллективларининг юксак марралари

Саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича планни Октябрь районн корхоналари шу йилнинг 24 декабрида, Чилонзор районн корхоналари 25 декабрида бажарадилар ва планга қўшимча 4,5 миллион сўмлик ва 2,3 миллион сўмлик маҳсулот берадилар.

Саноатда меҳнат унумдорлиги 1981 йил планига нисбатан 2,4 процент ва 4,5 процент ортади.

Саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига ўсиши Октябрь районида 80—85 процент, Чилонзор районида 85 процентни ташкил этади; планга қўшимча 800 минг сўмлик ва 450 минг сўмлик фойда олинади.

Районларда 400 та ва 120 та янги хилдаги модель ва фасоидаги буюмлар яратилади ва ўзлаштирилади. Октябрь районида 60 та буюм давлат Сифат белгисига аттестациядан ўтказилади.

Чилонзор районида 30 хил буюмнинг давлат Сифат белгиси билан тайёрланиши таъминланади. Умумий маҳсулот реализацияси ҳажмида Октябрь районида 17 процент, Чилонзор районида 9 процент буюм давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади. Чилонзор районида планга қўшимча 800 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари реализация қилинади.

450 тонна ва 200 тонна қора ва рангли металл; 3 миллион киловатт-соат ва 2,5 миллион киловатт-соат электр қуввати, 130 кубометр ва 800 кубометр ёғоч материаллари тежалади.

Ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 2 миллион сўмлик ва 1 миллион сўмлик шартли тежамга эришилади. Октябрь районида корхоналарида янги техника бўйича 123 тадбир жорий этилади.

Пудрат қурилиш-монтаж ишлари плани Октябрь районида шу йилнинг 25 декабрида, Чилонзор районида 25 декабрида бажарилади. Чилонзор районида қурилишда меҳнат унумдорлиги 1981 йил планига нисбатан 0,5 процент ўсади. Октябрь районида муҳим халқ хўжалик қувватлари, турар жой ва маданий-маиший объектлар муддатидан аввал. 1176 ўринли мактаб биноси эса шу йилнинг 1 августига қадар фойдаланишга топширилади.

Чилонзор районн қурилиш-монтаж ташкилотларида Н. Злобин методи бўйича ишлаётган бригадалар миқдори 110 тага етказилади. Умумий иш ҳажмида бригада пудрати методида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлар ҳажми Октябрь районида 40 процентга етказилади.

Октябрь районида пассажирлар ташиш плани 29 декабрда, Чилонзор районида 28 декабрда бажарилади. Чилонзор районида планга қўшимча 300 минг сўм даромад олинади. Октябрь райони алоқа корхоналарида планга қўшимча 35 минг сўм фойда олинади.

Октябрь райони саноат корхоналари меҳнат коллективлари Жиззах область Дўстлик районига 123 минг сўмлик; Чилонзор райони — Арнасой районига 250 минг сўмлик оталиқ ёрдами кўрсатади.

Октябрь райони корхоналари ва ташкилотларида 6.257 ишчи, инженер-техник ва хизматчининг малакаси оширилади.

«Бир беш йилликда—икки беш йиллик топшириғи» шиори остидаги мусобақага Октябрь районида 128, Чилонзор районида 100 киши жалб этилади.

«Қолоқларсиз ишлайлик!» шиори остидаги мусобақага Октябрь районида 31 корхона ва ташкилот, 23 минг ишчи; Чилонзор районида 37 корхона ва ташкилот, 222 цех, 4 участка, 619 бригада, 11,8 минг ишчи жалб этилади.

ЦЕХЛАР, БРИГАДАЛАР ВА ИШЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҲАР ЎН КУНДА; КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҲАР ОЙДА ЯКУН ЯСАЛАДИ.

РАЙОНЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЗКУР ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҲАР КВАРТАЛДА ЯКУН ЯСАЛАДИ.

Х. Тошхўжаев, Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг секретари; **М. Аъзамов**, Октябрь район ижроия комитетининг раиси; **А. Мунавварова**, Ўзбекистон ЛКСМ Октябрь район комитетининг секретари; **С. Тоҳирова**, бадиий буюмлар фабрикаси каштачиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати; **В. Петров**, 159-қурилиш трести 9-қурилиш бошқармасининг комплекс бригадаси бошлиғи, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

Т. Содиқов, Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитетининг секретари; **А. Карасева**, Чилонзор район ижроия комитетининг раиси; **И. Яковлев**, Ўзбекистон ЛКСМ Чилонзор район комитетининг секретари; **Э. Абдуллаева**, 2-пойафзал фабрикасининг ҳом ашё тайёрловчиси; **Ҳ. Баҳодиров**, 153-қурилиш трести комплекс бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ШОНЛИ МЕҲНАТ ЭСТАФЕТАСИ

Ўзаро мусобақадош Октябрь ва Чилонзор районлари коллективлари беш йилликни ва 1980 йил давлат планини муддатидан илгари бажардилар, корхоналарда янги йилнинг дастлабки кунидан аниқ маромдаги ишни йўлга қўйдилар. Ватанпарварлик ташаббусларини ривожлантириш тажрибаси, социалистик мусобақа таъсирчанлиги, меҳнат беллашуви давомида тўпланган барча қимматли тажрибалар худди эстафета сингари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳам қўл келяпти.

Натижалар эса қувонарли. Фақат Октябрь районининг ишчилари ўтган беш йилликда планга қўшимча 30 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилишлар. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 29,9 процентга ўсди. Бу ўсишнинг 82 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди. Кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш бир ярим баробар ўсди. Беш йиллик мобайнида фахрли беш қиррали белги билан маҳсулот ишлаб чиқариш қарийб 6 баравар ўсди. Бу даврда район саноати 800 хилга яқин янги буюмлар ўзлаштирди. Янги техника бўйича 450 дан ортиқ тадбир амалга оширилди; корхоналарда 2 мингга яқин юксак унумли ускуналар ўрнатилди.

Беш йилликнинг якуловчи йилидаги марра муваффақиятли эгалланди. Саноат корхоналари планга қўшимча 5,2 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилди.

Ҳар икки районда ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини жорий этишда, социалистик мусобақани ривожлантиришда план ва мажбуриятларни муддатидан аввал, юқори сифатли қилиб бажаришда катта тажриба тўпланган илғор корхоналар талайгина. Октябрь районида бу «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазэнергоцветмет» корхонаси, театр жамиятининг тукувчилик комбинати, чўтка ва картон буюмлари комбинати, Чилонзор районида 2-пойафзал фабрикаси, «Ташкентхлеб» бирлашмаси, «Промсвязь» заводи ва бошқалардир.

Чилонзор районида реализация суръати ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилда 9,7 процент ўсди. Меҳнат унумдорлиги эса 7,6 процент юксалди. Бу план топшириғидагидан анча кўпдир. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳам 10,7 процентга юксалди. Натижада планга қўшимча 2,8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Товар маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳисобига 0,5 миллион сўмлик ҳажмида тежамкорликка эришилди, 350 минг киловатт-соат электр қуввати, 1 минг тонна шартли ёнилғи, 39 тонна қора металл тежалди.

Районда ростовликлар ва янгийўлликлар томонидан бошланган ҳаракат кенг қулоч ёймоқда. Эндиликда «Қолоқларсиз ишлайлик»! шиори остида ўн икки саноат корхонаси, 60 цех, 57 участка, 340 бригада коллективи меҳнат қиляпти.

Икки районнинг қурилиш ташкилотлари ўз олдига қўйган вазифасини муваффақиятли адо этяпти. Жумладан, фақат ўтган йили Октябрь райони қурувчилари 27 миллион сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Улар 48,5 миллион сўмлик асосий фондларни ишга туширдилар. 50 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

Ишга туширилаётган турар жой биноларининг тинмай кўпайиб бораётганлиги районнинг кўпгина аҳолисига турар жой шароитини яхшилаш имконини берди. Ўтган йил мобайнида 50 минг квадрат метр турар жой, 1568 ўринли мактаб, шунингдек соғлиқни сақлаш, савдо, умумий овқатланиш объектлари фойдаланишга топширилди.

159-қурилиш трести коллективи йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этди. Бу ерда 2 мингдан ортиқ меҳнаткаш КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун оширилган мажбуриятлар олишди. «Ташинжстрой», «Таштрансспецстрой» трестлари коллективлари юқори маромда ишлашяпти.

Свердловликлар ташаббуси асосида бригада пудрати методидан фойдаланиш алоҳида самара берияпти. Планни кам сонли коллектив кучи билан бажариш бўйича бу ватанпарварлик ҳаракатини районда 153 бригада қўллаб-қувватлади. Бу 200 га яқин ишчини янги бригадаларга ўтказиш имконини берди. Топшириққа қўшимча 7,7 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 27 миллион сўмлик ҳажмида асосий фондлар ишга туширилди. Чилонзор районидаги қурувчилар ва монтажчилар мусобақасининг асосий якуни ана шундай бўлди. Чилонзорликлар ўтган йили 90 минг квадрат метр турар жой майдонига эга бўлдилар. Бу 1979 йилдагидан 16 минг квадрат метр кўпдир.

Меҳнатни ташкил этишнинг бригада пудрати сингари таъсирчан ва самарали формаси ривожланмоқда. Бу коллективлар 39 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар.

«Спецмонтажводстрой», «Промгражданстрой», коллективлари чорвачиликни ривожлантиришда, чўчқачилик комплекси қурилишида актив иштирок этдилар.

Чилонзор райони транспортчилари ҳам чакки меҳнат қилишмади. «Главташкентстрой»нинг транспорт бошқармаси, 5-таксопарк, 7-автопарк коллективлари 1980 йил учун белгиланган давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажардилар.

«Зангори экран» бирлашмаси (114 процент), «Ташавтотехобслуживание» (108 процент) маиший хизмат кўрсатиш суръатини оширишда юқори натижаларга эришдилар.

Октябрь райони алоқачилари ҳам дуруст меҳнат қилишди. Жумладан, шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси мутахассислари беш йиллик мобайнида 62 минг телефон абонементи ўрнатдилар. Беш йиллик мобайнида савдо ва умумий овқатланишда 17,5 миллион сўмлик товар оборот қилинди. Бош универсал магазин, Ўзбекистон савдо бирлашмаси, ошхоналар трести харидорларга хизмат кўрсатишнинг прогрессив формаларини жорий этишда талайгина ишларни амалга оширдилар, умумий овқатланиш корхоналарининг хўрандаларга хизмат кўрсатиши ортди, уларнинг харажатлари камайди.

Ўтган йили ошхоналар трести коллективи ҳашар йўли билан корхона ва ташкилотларнинг фаол ёрдамида чўчқачилик базаси қурди. Ҳозир бу ерда 1250 та чўчқа боқилмоқда. Бу аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш имконини беради.

Ўтган йили аҳолига маиший хизмат кўрсатиш 1979 йилга нисбатан 24 процент ўсди. Ҳар бир аҳолига 35 сўмдан тўғри келди. Бу беш йиллик бошидагидан икки баравар кўпдир.

Шу билан бирга корхона ва ташкилотларнинг КПСС Марказий Комитетининг Октябрь (1980 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси асосидаги хўжалик-иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жойларда ҳали мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Ўтган йил мобайнида Октябрь районининг бир қатор корхоналари 10-босмахона, бадиий буюмлар фабрикаси бир маромда ишламади. Бу ерда ҳайбаракаллачилик ҳолларига ва илгари белгиланган планларни камайтириш ҳолларига йўл қўйилди. «Ташкентпиво» бирлашмаси, кўн-мўйна заводи ишлаб чиқариш ҳажмининг планлаштирилган даражада юксалишини таъминиладилар. Бу корхоналар, шунингдек, кўн-галантерея буюмлари ва спорт буюмлари бирлашмаси меҳнат унумдорлигини юксалтириш бўйича белгиланган планларни бажаролмадилар.

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси, кўн-галантерея ва спорт буюмлари комбинати, кўн-мўйна заводи белгиланган ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича шартномадаги мажбуриятларини бажаришолмади. Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, кўн-галантерея буюмлари ва спорт буюмлари комбинати, бадиий буюмлар фабрикаси планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича социалистик мажбуриятларини уддалай олмадилар.

Электр рўзғор буюмлари заводи, «Промгражданстрой» трестининг ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси, «Ирсовхозстрой» трести (Чилонзор райони) 1980 йилга қабул қилинган мажбуриятларини бажармадилар. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ишлаб чиқариш корхоналари комбинати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планни 87 процент бажарди. Меҳнат аниқ ташкил этилмаганлиги натижасида «Ташгазэнергоремонт» корхонаси ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг фақат 25 процентига, электр рўзғор буюмлари заводи эса, ундан ҳам кам — 17 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришди.

Районнинг кўпгина корхоналари лойиҳадаги ишлаб чиқариш қувватларини кам ўзлаштиряпти. Жумладан, маҳсулотнинг айрим турлари бўйича электр рўзғор буюмлари заводида қувватлардан фойдаланиш 79 процентни, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ишлаб чиқариш корхоналари комбинатида 66,5 процентни ташкил этди.

«Промгражданстрой»нинг ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси, «Ирсовхозстрой» трести ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ишлаб чиқариш корхоналари комбинати капитал маблағлар сарфламасдан туриб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга каттагина резервларга эга. Бу ерда бу вазифани бажариш бўйича дуруст иш қилинмаяпти.

Курорт муассасалари қурилиши бўйича дирекция, «Ўзгипрозем», «Ўзгипротехбит» институтлари капитал маблағларни ўзлаштириш бўйича планларни бажаришмади. Қурилиш-монтаж ишлари плани 13 миллион сўмга бажарилмади. Қолоқлар орасида «Ўзэлектромонтаж» трестининг Тошкент область механизация бошқармаси, «Промгражданстрой» трестининг хўжалик ҳисобидаги участкаси, 2-пардозлаш трести бор.

153-қурилиш трестининг фаолияти ташвишлантиряпти. Бу коллектив пудрат ишлари бўйича йиллик планни районда қурилаётган объектлар бўйича атиги 80 процент, бош пудрат бўйича 92 процент бажарди.

Қурувчилар уйлар лойиҳасини бузиб, сифатсиз топшириш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Бунинг натижасида қўшимча харажатларга йўл қўйиляпти. Жумладан, гематология институтининг ётоқхонаси чала топширилган. Бу объектни биринчи қурилиш бошқармаси қурувчилари қуришганди. Чилонзор кўчасидаги турар жой бинолари ҳам чала топширилган.

Диққат-эътиборни мана шу ҳал этилмаган масалаларга қаратиш шу кунниг муҳим вазифаси. Ҳозир районларнинг меҳнат коллективларида КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш, 1981 йил учун қабул қилинган план ва мажбуриятларни бажариш учун социалистик мусобақа кенгаймоқда.

Октябрь районининг социал-иқтисодий ривожлантириш планига мувофиқ ўн биринчи беш йилликда ялпи маҳсулот ҳажми 25,4 процентга, меҳнат унумдорлиги 15 процентга ўсади. Янги беш йилликда 1980 йилдагидан 5 процент кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришни умумий маҳсулот ҳажмида 20 процентга етказиш керак.

«Москва» меҳмонхонаси, Кино уйи, геология музейи, Ўқитувчилар уйи каби нодир биноларни, Фурқат, Ўзбекистон, Новомосковская, Халқлар дўстлиги кўчаларини реконструкциялашни тугаллаш керак.

Ўн биринчи беш йилликда турар жой ва маданий-маиший объектлар қурилишига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, «Бешёғоч» микрорайони, «Марказ-14», «Марказ-15», «Марказ-26» кварталлари қурилиши тугалланади, янги «Оқтепа» массиви қурилади. 320 ўринли туғруқхона, 1700 одамга хизмат кўрсатадиган поликлиника, 12 минг ўринли мактаб, бир талай болалар муассасалари ишга туширилади.

Чилонзор райони ишчилари «Қолоқларсиз ишлайлик», «Ҳар бир станокдан самарали фойдаланайлик» каби қимматли ташаббусларни ҳар томонлама кенг қулоч ёйдиradилар. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми бу ерда беш процент ўсади. Корхоналарда автоматикани ва комплекс механизацияни жорий этиб, қўл меҳнати салмоғи бир ярим процентга камайтирилади. Ишчилар 120 хил янги буюм ўзлаштиришади.

Қурувчилар 36 минг квадрат метр турар жой майдонини, 480 болалар боғчасини, мактабни фойдаланишга топширишади. Кўчаларни, ҳиёбонларни ва паркларни ободонлаштириш бўйича ишлар муддатидан аввал адо этилади.

Савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари ходимлари ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи бўйича 80 процент товар оборот қиладилар.

Октябрь ва Чилонзор районлари коллективлари партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун қизғин интилаётганликлари, беш йилликнинг биринчи йилида янги марраларни эгаллашга азму қарор қилганликлари 1981 йилдаги социалистик мусобақа бўйича ўзаро тузган шартномаларида ўз ифодасини топди.

БАЙРОҚДОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Тошкент чинни заводи;

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасига қарашли «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Тошкент бинокорлик материаллари комбинати;

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзстройиндустрия» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент тажриба-механика заводи;

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг Октябрь революцияси орденли 93-ихтисослаштирилган трести;

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Ташсантехгазмонтаж» трестининг Тошкентдаги 1-монтаж бошқармаси;

Главташкентстройга қарашли «Промстройкомплект» бирлашмасининг 1-ёғочсозлик заводи;

Главташкентстройнинг транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси;

Главташкентстройнинг Тошкентдаги 2-уйсозлик комбинати;

Главташкентстройнинг «Строймеханизация» трести;

халқ депутатлари Тошкент шаҳар совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг ихтисослаштирилган йўл-эксплуатация трести;

халқ депутатлари Тошкент шаҳар совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг гидротехника иншоотлари ирригацияси ва кўкаламзорлаштириш ихтисослаштирилган ремонт қурилиш трести;

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигининг Қўйлиқдаги кўприк ва темир-бетон конструкциялар тажриба заводи;

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг Тошкент марказий телеграфи;

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат министрлигига қарашли «Узсложбиттехника» республика саноат бирлашмасининг Тошкент шаҳар «Техсложбиттрибор» ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат министрлигига қарашли Тошкент шаҳар ижроия комитети аҳолига маиший хизмат бошқармасининг пойафзал ва кўн-галантерея буюмларни ремонт қилувчи ва якка тартибда тикувчи Тошкентдаги «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг «Узкультторг» республика базаси;

Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг ресторанлар трести;

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг «Хизмат беминнат» фирмаси;

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро физикаси институти;

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг Тошкент халқ хўжалиги институти;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги қурилиш конструкциялари ишлаб чиқариш ва ёғочсозлик Бош бошқармасига қарашли «Тошкент» ёғочсозлик саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси;

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг «Ўқитувчи» нашриёти;

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-босмахонаси;

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси;

СССР Темир йўллар министрлиги метрополитен Бош бошқармасининг В. И. Ленин номли Тошкент метрополитени;

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг республика радиоэшиттириш идораси;

СССР Транспорт қурилиши министрлигининг «Ташметрострой» трести;

СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ хирургия илмий марказининг Тошкент филиали;

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси;

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика меҳнаткашлари Ленин партияси раҳбарлигида КПССнинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олиш ва унинг қарорларини бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёздириб, 1981 йил план топшириқларини ва умуман ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли равишда тўла ҳамда ошириб бажариш учун ҳамма ишларни қиладилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада фан, адабиёт, санъат ва архитектурани янада ривожлантириш, олимлар ва бадиий зиёлилар ижодий активлигини ошириш мақсадида Беруний номидаги ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари сонини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

1981 йилдан бошлаб мукофотлар Ўзбекистон ССР ташкил этилган куни — 27 октябрда (икки йилда бир марта) бериб борилади. Бунда фан ва техника соҳасидаги машҳур ишлар учун Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Ўзбекистон ССР саккизта Давлат мукофоти ҳамда адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги машҳур асарлар учун Ҳамза (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий) номидаги Ўзбекистон ССР саккизта Давлат мукофоти, шу жумладан болалар ва ёшлар адабиёти ва санъатининг машҳур ва энг талантли, юксак ғоявий асарлари учун битта давлат мукофоти берилади.

Пойтахтимиз йил сайин тобора чирой очиб бормоқда, янги архитектура иншоотлари унинг гўзаллигига-гўзаллик қўшмоқда. Янги Олмазор массивидаги бинолар ўзининг ташқи кўриниши, архитектура ечими билан барчага манзур бўлмоқда. Бу ерда ҳали қурилишлар давом этяпти. Кўзда тутилган ҳамма объектлар фойдаланишга топширилгач, массивнинг жамоли бундан ҳам кўркамлашиб кетади.

СУРАТДА: янги Олмазор массивидаги бежирим биноларни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.



Саломатлик ҳақида суҳбатлар

• ШИФОКОР ҚАБУЛИДА

ТАБИИЙСИ ГЎЗАЛ, СУНЪИЙСИ ЁРДАМЧИ

Тишни парвариш қилиш, сунъий тиш қўйдирганда асосан нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида, шунингдек олиб қўйиладиган протез тишлар тўғрисида маълумот берсангиз.

Ш. Зуфаров, М. Абдуров, Х. Одилов, Б. Шамшиева, пенсионерлар.

Инсоннинг соғ-саломат бўлишида тишларнинг аҳамияти бениҳоя катта. Чиндан ҳам соғлом тишлар саломатликнинг гарови. Шу билан бирга, садафдек тишлар одамга ҳусн бўлади.

Маълумки, овқат чайналганда сўлак безлари сўлак ажратади, бу эса майдаланаётган озиқ-овқат моддаларини намлаб ютишни қулайлаштиради, у ўз таркибидаги лизоцим моддаси билан оғиздаги микробларни — ўлдиради. Бундан ташқари, сўлак таркибида овқат ҳазм қилувчи ферментлар бўлиб, овқат таркибидаги крахмал оддий шакаргача парчаланади. Агар чайнов тишлари касал ёки тушиб кетган бўлса, овқат оғизда яхши майдаланмайди, натижада овқат меъдада узоқ вақт туриб қолади ва яхши ҳазм бўлмайди. Меъдада яхши ҳазм бўлмаган овқат ичакда яхши сўрилмайди. Овқат моддаларининг меъдада узоқ туриб қолиши эса меъда касаллигига, киши иштаҳасининг пасайишига ва озиб кетишига олиб келади. Шуларни назарга олиб, тишнинг бирортаси оғриб қолгудай бўлса дарҳол врачга мурожаат этиш ва буюрган кўрсатмаларини пухта бажариш керак.

Ҳар бир тишнинг ўз вазифаси бўлиб, улардан бирортаси тушиб кетса, қўшни тишга қўшимча вазифа юклайди, яъни тушиб кетган тиш вазифасини қўшни тиш бажаради. Натижада унинг бажарадиган вазифаси ошиб кетиб, у тез шикастланади.

Тишнинг соғлом бўлиши саломатлик учун жуда муҳим. Халқимиз «Кўп чайнасанг—кўп яшайсан», «Касаллик— оғиздан киради» деб бежиз айтмаган. Овқатни тишлар билан яхши, шошмасдан чайналса сўлак кўп ажралади, натижада ютилган луқма яхши ҳазм бўлади. Яхши чайналган овқат—ярим ҳазм бўлганидир, дейишади. Яхши чайнаш учун бақувват тишлар лозим. Агар булар бўлмаса-чи, улар ўрнини сунъий тишлар билан тўлдириш лозим бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, табиий тишларнинг айримлари тушиб кетиши натижасида қолганлари ҳам аста-секин қимирлаб қолади. Тиш қаторидаги камтакликка қараб оғади, қарама-қаршилари эса шу камтакликка томон ўсади. Натижада тиш қаторларида Попов феномени деб аталувчи майўрлик пайдо бўлади. Юзнинг юмшоқ тўқималарида ўзига хос ўзгаришлар— ажинлар пайдо бўлади, одам ёшига нисбатан қари кўринади. Демак, инсоннинг ташқи чиройи учун тишларни шикастланишдан сақлаш, агар тиш оғриб тушиб кетган бўлса овқат чайнашни яхшилаш учун тиш протезларидан фойдаланиш зарур бўлади.

Одатда тиш протезлари фақат медицина кўрсатмалари бўйича тайёрланади. Врач бундай пайтда бемор оғзидаги табиий тишлар милкининг ҳолатига, қарама-қарши тишларнинг мустаҳкамлигига аҳамият беради. Айрим беморлардан ёки уларнинг комбинациясидан тайёрланади. Кишида табиий кўринишни сақлаб қолишда, қулайликда ва тиш қаторларининг бутунлигини тиклашда чинни ва пластмассадан тайёрланган протезлар анча яхши.

Одатда янги қўйилрайди. Врач протездаги кўриниб турган нуқсонларни дарҳол тўғрилайди, лекин кўринмайдиган майда нуқсонларни аниқлаш учун протезларни бемор бир неча вақт тақиб юриши керак.

Сунъий тишларни протезга яхшилаб ўрнатиш ва протезга таъсир этишлик анча мураккаб иш бўлиб, бунда беморнинг актив қатнашиши талаб қилинади. Янги тайёрланган тиш протезини бемор оғзига таққач, врач беморга протездан фойдаланиш қоидаларини тушунтиради. Агар бемор врачнинг шу кўрсатмаларини қунт билан бажарса, унга аста-секин кўникади. Бунда, дастлабки пайтда овқатни кичик бўлакчалар ҳолатида секинсекин чайнаб ейиш талаб этилади. Протезни овқат егандан сўнг ва уйқуга ётишдан олдин тиш чўткаси билан тозалаб ювилади. Тиш протезидаги у ёки бу нуқсонларни бемор ўзи йўқотишга ҳаракат қилмаслиги керак. Протезга парвариш қилишни билиш жуда зарур.

Тиш протези қўйдириш учун аввало оғиз бўшлиғини соғломлаштириш лозим, тиш илдизларини ва даволаб бўлмайдиган тишларни олдириш, имкон бор тишларни даволаштиш зарур. Тиш илдизларига устига протез тайёрлаб бўлмайди, чунки бундай протез милкка текис, бир хил тегиб турмайди. Тиш илдизларига эса қоплама тайёрлаб бўлмайди, бунинг учун яхши даволанган соғлом тиш бўлмоғи керак. Агар тишлар олинган бўлса, улар ўрнини сунъий тишлар билан тўлдириш лозим.

Тиш протезлар фақат косметик нуқтаи назардан эмас, балки овқатни тўлиқ чайнаш, нутқни тиклаш ва тиш қаторларини кейинчалик бузилишининг олдини олиш мақсадида ҳам қўйилади.

К. МАЛИКОВ,
доцент.

М. ҚАЮМОВ,
1-категорияли врач.

МЕДИК ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА



ЯНГИ ДАВОЛАШ УСУЛИ

Медик олимларимиз инсон саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида янги-янги усулларни қўллашмоқда. Ҳозирда барча суяк касалликларига даво бор. Илгари бедаво дейилган хасталиклар муваффақиятли даволанмоқда. Болаларда учрайдиган букри (сколиоз) касаллигини операция қилиш усули билан яхши даволаняпти.

Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида даволашнинг ана шундай янги усули муваффақият билан қўлланилмоқда. Бу — болалар умурткa поғонаси операциясидир. Институт директори, профессор Мирзабек Дўстмуродов бу янгиликни қуйидагича шарҳлаб берди:

— Илмий тадқиқот ва даволаш ишларини олиб боришда мамлакатимиз, айниқса Москва, Ленинград, Харьков шаҳарларининг етакчи мутахассислари билан мустаҳкам алоқада бўлиб, яқиндан ҳамкорлик қилиб келамиз. Ленинградлик олим Р. Э. Рейе умуртқа поғонаси қийшиқ касаллигини даволашда янги усулни кашф қилди. Олим бу усулни дастлаб Ленинград шаҳридаги шифохоналарда қўллаб, 300 дан ортиқ операцияни бажарди. Операциядан кейинги текширишда бемор болаларнинг қоматлари батамом тўғри бўлиб кетганлиги аниқланди. Ана шу янгиликни ўрганиш, амалда қўллаш ва тажриба алмашиш учун олим Р. Э. Рейени институтимизга таклиф этдик.

Ленинградлик олим ўз тажрибаларини институтимиз шифокорларига баҳонидил ўргатиб, улар иштирокида ўн нафар бемор бола операция қилинди. Олим қийшайиб қолган умуртқаларни махсус металл аппарат ёрдамида қайта тиклади. Операциядан чиққан болаларнинг қадди-қомати ўз ҳолига келди, уларнинг сиҳат-саломатлиги ва умумий ҳолати ҳам яхшиланди.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, эндиликда институтимизнинг шифокорлари бундай ноёб мураккаб операцияларни яхши ўзлаштириб олдилар ва амалда муваффақиятли фойдаланмоқдалар. Даволашнинг бундай янги ва ноёб усулини катта илмий ходимимиз, медицина фанлари кандидати Самир Манонович Маннонов мохирона бажармоқда.

Хозирги вақтда республика миқёсида умуртқа поғонаси нотўғри ўсган бемор болаларни янги операция методида даволаш планлаштирилди. Келажакда шундай операциялар область марказларида ҳам махсус травматологик ва ортопедик шифохоналарида бажарилиши мумкин.

Т. ҲАСАНОВ,
медицина фанлари кандидати,
СУРАТДА: Ленинградлик медик олим Р. Э. Рейе.

Алломалар ҳақида ҳикоятлар

(ТИБ ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ АБУ БАКР РОЗИЙ ҲАЁТИДАН)

Шарқнинг буюк ўғлони Абу Бакр Розий (туғилган йили 865) ёшлик чоғларидан мутолаага қизиқиб, кўплаб толибу-фозилларнинг асарларини ўқиди: сўз сеҳрига, адабиётнинг қудратига мафтун бўлди. Кейин кўп фанларни ўрганиб, ёши анчага борганда тиб илмини эгаллади ва шу илмнинг султони бўлиб қолди. Ўша даврнинг доно кексалари Абу Бакрнинг ҳузурида бир неча бор бўлиб, уни саволга тутдилар.

АДАБ ИЛМИ

Доно кексалар сўрашди:

— Сен, доноларнинг доноси — Абу Бакр, дастлаб адабиёт илмини севибсан, бунинг боиси нима?

Абу Бакр Розий айтди:

— Илмнинг бошланғичи — адабиёт! Адабиёт — бу инсон зотининг одоби, адаби демакдир. Буни тушунмаган, буни эгалламаган, бунга риоя қилмаган одам инсон эмас.

Доно кексалар яна сўрашди:

— Адаб илмини билмай туриб ҳеч нарсага, бирор илмга эришиб бўлмайдими?

Абу Бакр айтди:

— Адаб илмини, тил илмини, сўз сеҳрини билмай туриб, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Илмларнинг бошланғичи — тил, адаб илмидир, бу илмни билган одам сеҳргарлик илмини ҳам эгаллайди.

Доно кексалар унга офарин айтиб, сўрашди:

— Сеҳргарлик илми нима?

—Сеҳргарлик илми— сўз ўйини, — деди у.

СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

Абу Бакр Розий айтди:

— Биринчидан, сўз инсон жисмидаги ҳисларни жонлантиради. Иккинчидан, аъзои-танга куч беради. Учинчидан, руҳни кўтаради, бу шундай бир бебаҳо дуру-гавҳардир.

Кекса донишмандлар сўрашди:

— Сўзнинг ана шу қудрат-малоҳатини таъриф этгин!

Абу Бакр таъриф этди:

— Мен аввалда: «Сўз — инсон жисмидаги ҳисларни жонлантиради» деб айтдим. Сўзлар доим икки хил бўлади: бири ширин, бири аччиқ. Ширин сўз — яхши кайфият, умид, чеҳрага табассум бағишлайди. Ёмон сўз — тушкунлик, заҳархандалик, чеҳрага тундлик келтиради.

Мен иккинчи маънода, сўз «аъзои-танга куч беради» дедим. Бу ҳам икки хил бўлади. Яхши сўз ўликни тирилтиради, дейдилар. Одамга қанот бағишлайди, у илҳом олиб, мақтовдан парвоз этади, мақсудига интилади ва етади. Ёмон сўз ҳам аъзои-танга куч беради, ундан тан изтироб чекиб, узалга кетади, уни ер ютади.

Мен учинчи маънода, сўз «руҳни кўтаради» дедим. Руҳни кўтариш осон эмас. Одамлар одамларнинг руҳини икки хил маънода кўтарадилар: фазилатини мақтайдилар, иллатини кўтарадилар,—яъни масхара қиладилар: донолар ўз фазилатидан яхши хулоса чиқарадилар, нодонлар эса иллатлари кўтарилгандан фахоланадилар, карабсизки, иккинчи тоифа одамлар узалга кетадилар.

Кекса донишмандлар Абу Бакр Розийдан сўрадилар:

— Бу қиссаларнинг қиссаси нима?

Абу Бакр Розий айтди:

— Бу қиссаларнинг қиссаси фалсафа! Кимки ҳаёт фалсафасини билмас экан, у ҳаёт мазмунини билмайди. Кўйни тинглаган одам унинг оҳангига маст бўлса-ю, мазмунини билмаса, мажнун-савдойи дейиш керак.

Кекса донишмандлар сўрашди:

— Куйнинг оҳангини тушуниш учун нималарни билиш керак?

Абу Бакр Розий айтди:

— Куйни тинглаганда унинг нозик оҳангида қима сало борлигини билиш керак. Яна бир сир бор, уни кейин айтаман..

КУЙ СЕҲРИ

Абу Бакр Розий мусиқа билан шуғулланиб, унинг нозик сир-асрорларини ўрганарди. Ақл-идроки, фаҳм-фаросати, зеҳни шу қадарлар зўр эдики, мусиқанинг энг сирли тилсимини ҳам билиб олди.

Кекса донишмандлар сўрашди:

— Куйнинг оҳангини тушуниш учун нималарни билиш керак, деб бир сўроқ айтдик. Сен куйни тинглаганда унинг нозик оҳангида нима садо борлигини билиш керак, яна бир сир бор, уни кейин айтаман, дединг. Бугун ўша сирни билгани келдик... Айт, ўғлим, биз эшитайлик.

Абу Бакр Розий айтди:

— Куйни бастакор яратади. Бастакор турли оҳангларни гулдастадай дасталайди, одамларнинг дил розини, умид-орзусини, бахт-иқболини, ишқ-муҳаббатини бир сўз билан, бир оҳанг билан айтсам оҳу-зорини дасталайди. Уни торга, удга* кўчириб, яширин куйдашни, оҳанг беришни, юракларни ларзага келтиришни, ажойиб туйғу-ҳислар туғдиришни яратади. Сиз куй тинглаганда рақсга тушсангиз, кўзингизга марварид ёшлар олсангиз, рақсни элингизнинг жўшқин ҳаракати, марварид ёшларни рақибга отилган ўқ-тошлар деб билинг. Куйнинг сирли маъноси, мусиқанинг мунгли садоси кўп нарсани англатади-ю, унинг ҳисоб-китобини яхши билмайсиз.

Кекса донишмандлар сўрашди:

— Дарҳақиқат, дунёда ҳар бир нарсанинг ҳисоб-китоби бор, сен айтган нарсалар учун қураш ҳақиқатлари, кўз ёшлар учун ҳисоб-китоб борми?

— Бор, бор, — деди Абу Бакр Розий, — ҳақиқат китобидан сизларга бир парча ўқиб бераман, у қисқа, лекин ҳамма ҳам тушунавермайди.

— Айт, — деди доно кексалар, — бир амаллаб тушуниб олармиз.

ДУНЁНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

— Одам яралгандан бери, улар ўртасида низо бошланганидан бери бу кенг дунё тор бўлиб қолган: кимдир одил, кимдир қотил. Тўз билан шакар қўшилиб кетгандек, уларни бир-биридан ажратиб, саралаб олиб бўлмайди: уриш-жанжал ҳам, тортишув-олишув ҳам, айириш-ажратиш ҳам, келишув-ажралиш ҳам шундан келиб чиққан... шуларни ўйлаб ҳисоб-китоб илмига ихлос қўйдим, — деди Абу Бакр Розий, — лекин бу чексиз дунё каби унинг тубини кўрмадим, ундан ихлосим қайтди.

Кекса донишмандлар сўрашди:

— Навбатда нимага ихлос қўйдинг?

— Бунинг ҳам бир сири бор,— деди у,— мана, эшитинг.

ЕР НИМА, ОСМОН НИМА?

— Осмонга ихлос қўйдим, — деди Абу Бакр Розий, — яшаб турган она-Ерга ихлос қўйдим.

— Хўш, нима наф топдинг?

Абу Бакр айтди:

— Осмонга ихлос қўйиб етти фалакка ниғоҳ ташладим. Куч-қувватим, ақл-заковатим билан ўша фалакка қўл чўздим, лекин ҳеч бир наф кўрмаслигимга имоним комил бўлди. Она-Еримнинг энг чуқур қаърига етмоқчи бўлдим, ақл нуримни юбориб кўрдим, унга ҳам етолмаслигимга имоним комил бўлди. Ниҳоят, қодир табиатга тан бердим, у инъом этган ноз-неъматлардан кучим етганча баҳраманд бўлиб, фаровон яшашга аҳд қилдим, менга на мунажжимлик, на жўғрофия ёқмай қолди. Кимёгарлик энг олижаноблик, одамларга саховатлилик деб билдим.

Кекса донишмандлар сўрашди:

— Кимёгарлик сенга нима наф келтирди?

МЎЪЖИЗА ЯРАТУВЧИ ОДАМ

Абу Бакр Розий деди:

— Кимёгарликнинг кўп хислати бор. Кимёгар одам —мўъжиза яратувчи одам. У тупроқни заргa, зарни тупроққа айлантиради.

Бир кун бир кимёгар билан учрашиб қолдим. У деди:

— Кўлингда мис чақа борми?

— Бор.

— Менга бер, уни олтинга айлантириб бераман.

Кимёгар мис чақани олиб, бир суюқликка ботирди-да, сап-сариқ олтинга айлантириб қўлимга тутқазди.

— Кўр, мис чақанг олтинга айланди, энди ҳақини бер.

Ҳақини бердим. Уни сотмоқ учун заргарга олиб бордим. Заргар «олтин тангам»ни синаб билмоқ учун бир суюқликка ботирди ва деди:

— Бу олтин эмас, мис чақа экан, тилингнинг остига солиб сўриб юр.

Е алҳазар, энди тушундим. Кимёгар: «Кўр, мис чақанг олтинга айланди» деганда, мени «кўзинг кўр» деганини тушунмаган эканман. Шундан кейин кўзим очилди.

Кекса донишмандлар сўрашди:

— Кўзинг очилгандан кейин нима қилдинг?

— Шифокорликни, кўз ўнгимда турган дунёни, одамларни давolашни ўйладим.

— Бу савобли йўлда обрў-эътибор топдингми? — деди кекса донишмандлар.

ИНСОН ҚАЛБИ

Абу Бакр айтди:

— Инсоннинг туғилиши осон, яшаши қийин. У ҳаёт йўлини топиб олишда янглишмаслиги керак. Энг аввал одоб илмини ўрганиб, одамларни севишни билиш керак. Зуҳал юлдузидан то она-Ернинг қаъригача билганда ҳам, одам қалбини унутмаслик керак. Шунинг учун ёшим анчага борган бўлса ҳам, табобатни ўргандим.

Бир кун менинг ҳузуримга телба онани келтирдилар. Унинг юрагида ўктин-ўктин изтироб билан алангаланиш пайдо бўларди. Унинг юрак дардини тушундим-да, шогирдларимга буюрдим:

— Бу онанинг фарзандини топиб келинглар, унинг қалбида фарзанд доғи бор.

Елиб-югуришиб кекса онанинг ўғлини топиб келтиришди. Телба, ҳеч нарсани сезмай турган она ўғлини кўриб, кўзида шашқатор ёш билан фарзандига отилди:

— Ўғлим, эсон-омон бормисан, менинг бахтимга бор экансан-а, энди ўлимимга розиман, ўғлим.

Телба она хушёр эди. Бир ҳаким сифатида айтаман, она соғ эди, хушнуд эди, мен ҳам хурсанд эдим.

Кекса донишмандлар сўрашди:

— Нега хурсанд эдинг?

Абу Бакр айтди:

— Дунёнинг ҳамма илмлари яхши. Лекин ҳамма илмлардан ҳам одам қалби яхши. Инсон қалбини хушнуд этиш, уни бахтиёр этиш, уни эгаллаш энг баланд юлдуздан тортиб, Ернинг қаъригача эгаллашдан ҳам афзал эканини биласизларми?! Одам қалбидан азиз нарса борми, бор бўлса кўрсатинг одамлар!

Тўлқин РАСУЛЕВ.

*, Уд—чолғу асбоби.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. ШАМСИЕВ: Менга ижтимоий ўзаро ёрдам кассалари кимларга ёрдам кўрсатиши, олинган қарзлар қанча муддат мобайнида қайтарилиши хусусида маълумот беришингизни сўрайман.

Жавоб: Касаба союзларининг фабрика, завод ва маҳаллий комитетлари ҳузуридаги ижтимоий ўзаро ёрдам кассалари ишчи ва хизматчиларга узоқ ва қисқа муддатга қарз беради. Колхозлардаги ўзаро ёрдам кассалари колхозчиларга, ижодий союзларнинг фондлари эса адабиёт ва санъат ходимларига қарз берадилар. Қарзларнинг муддатлари ва уларнинг берилиши шартлари ўзаро ёрдам кассаларининг типовой устави ва ижодий союзлар фондларининг устави билан белгиланади. Агар белгиланган муддатда қарз қайтарилмаса, қарз олувчига нисбатан жамоат йўли билан таъсир қилиш чоралари қўлланилади. Агар қарздор қарзни тўлашдан бош тортса, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланган тартибда қарз ундириб олинади.

* * *

Ғ. ДЕҲҚОНОВ: Мамлакатимиздаги кўпгина шаҳарларда даволаш физкультураси диспансерлари ишлаб турибди. Тошкент шаҳрида ҳам шундай диспансерлар борми?

Жавоб: Тошкентда даволаш физкультураси бўйича машғулотлар шаҳар ва республика врачлик-физкультура диспансерларида ўтказилади. Бу диспансерлар шаҳримизнинг Сапёрлар кўчасидаги 9-уйда ва 9 Январь кўчасида, Бешёғоч колхоз бозорининг рўпарасида жойлашган. Бундан ташқари, физиотерапия бўлимлари мавжуд бўлган аҳоли турар жойларидаги поликлиникаларда ҳам даволаш физкультураси машғулотлари билан шуғулланиш мумкин.

* * *

О. НОСИРОВ: Яқинда мен қурилишга ишга кирган эдим. Шу боисдан мени бир масала жуда қизиқтириб қолди: қурилишдаги бригада бошлиқларининг асосий вазифаси нималардан иборат бўлиши керак?

Жавоб: Қурилишларда бригадаларга етакчилик киладиган кишилар ушбу бригада аъзоларига амалга оширилиши лозим бўлган ишни таксимлаб бўлгач, ҳамма катори мехнат қилишлари зарур. Бундан ташқари, бундай кишилар бригада аъзолари бажараётган ишни назорат ҳам қилиб боришлари.

* * *

Ш. ҚОДИРОВА. 10-синфни тугаллаганимдан сўнг киймларнинг моделларини яратадиган касб эгаси бўлмоқчиман. Шаҳримизда модельер-конструкторлик ихтисослигини ўргатадиган ўқув юрти борми?

Жавоб: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида тикувчилик буюмлари технологияси, тикувчилик буюмларини конструкциялаш сингари ихтисосликни эгаллаш мумкин. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг А. Абдурахмонов номидаги Тошкент политехникумида эса кийим-кечакларнинг моделини яратиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

* * *

Ж. ҲАМИДОВ: Маълумки, ҳозирги пайтда аниқ вақтни кўпинча радиодан билиб оламиз. Хўш, радио ихтиро қилинмасдан олдин кишилар аниқ вақтни қандай қилиб билишган?

Жавоб: Радио ихтиро қилинмасдан олдин аниқ вақт астрономик соатлар билан аниқланган. Бунинг учун олдин соатлар махсус обсерваторияларга юборилган. Бу обсерваторияларда аниқ вақтни ўлчайдиган махсус астрономик соатлар бўлган. Радио ихтиро этилганидан сўнг эса аниқ вақт ҳақида зудлик билан ахборот олиш имконияти яратилди.

(Газетанинг навбатдаги сони 20 февралда чиқади).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет Оқшоми

Сураган экансиз.. ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

М. ШОҚУЛОВА, К. ИСЛОМОВА: Баъзи одамларнинг оёғи тез-тез оғриб туради. Шу оғриқлар нима сабабдан келиб чиқишини билишни истар эдик.

Оқшомхонларнинг бу саволига медицина фанлари доктори Камол Жалилов қуйидагича жавоб беради:

— Оёқларда бўладиган оғриқлар турли юқумсиз ёки юқумли касалликлар натижасида келиб чиқиши мумкин. Жумладан: ревматизм, полеартрит, гриппи ҳамда брученллез хасталикларида шундай бўлади. Оғриқлар қайси хасталик натижасида келиб чиқиши юксак тараққий этган медицина техникаси босқасида илмий жиҳатдан ўрганилиб, даволашга киришилади.

* * *

Т. ЯҲЁЕВ: Кўзга оқ дог тушиб қолган бўлса, даволаш мумкинми?

Жавоб: Бундай кишилар ўзларини республика ихтисослашган кўз касалликлари шифохонасига кўрсатиб, маслаҳат олишлари лозим. Мазкур шифохона Студентлар шаҳарчасидаги А. Саидов кўчасига жойлашган.

* * *

Б. НОДИРОВ, А. СОДИҚАВ ва Б. ХОЛЛИЕВ: Сепкил, ҳусншувар ва доғни даволайдиган шифохона шаҳримизда борми?

Жавоб: Шундай шифохона бор. Унинг номи Республика косметология шифохонаси бўлиб, Марказий Универсал магазинининг ёзги бўлими ёнида жойлашган.

* * *

Ж. ИСХОҚОВА, У. АҲМЕДОВА: Семириш ва озиш ҳақидаги саволларга аниқ жавоб олиш учун қайси соҳадаги врачга учрашайлик?

Жавоб: Бу ҳақда аниқ маълумот олиш учун эндокринолог врачларига учрашиш керак. Бундай мутахассис врачлар поликлиника ва диспансерларда хизмат қилишади. Шаҳар эндокринология диспансери Глинка кўчасига жойлашган бўлиб, бу ерга 18 ва 54-автобус ҳамда 15-троллейбусларда борилади.

* * *

Ф. АНОРМЕТОВ: Елка мускуллари ёшликда заифлашиб қолган бўлса, уни даволаш мумкинми?

Бу саволга медицина фанлари кандидати, мутахассис врач Самир Маннонов қуйидагича жавоб беради:

— Бу ҳақда аниқ маълумот олишни истаганлар ўзларини Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий текшириш институти врачларига кўрсатишларини маслаҳат бераман. Мазкур институт Олой колхоз бозори ёнида жойлашган бўлиб, 2, 3, 25 ва 28-трамвайларда борилади.

* * *

Қ. КУЛАТОВ, У. ЖЎРАЕВ: Бизни гриппнинг давоси ва соч парваришн ҳақидаги маслаҳатлар қизиқтиради. Шу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун қаерга мурожаат этайлик?

Жавоб: Бу тўғрида тўлиқ маълумот олиш учун ўзингиз яшаб турган жойдаги тери касалликлари диспансерига мурожаат этинг. Зарур бўлган тақдирда улар сизни шаҳар, область ёки республика тери касаллиги диспансерига юборишади.

* * *

П. ҒИЁСОВ, А. ИМОМОВ: Мўмиё кўп касалликларни даволаш ҳусусиятига эга эканлигини эшитдик. Мазкур мўмиёни дорихоналардан сотиб олиш мумкинми?

Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий текшириш институти шифохонаси бош врачи Ғайрат Жалилов бу саволга қуйидагича жавоб беради:

— Мўмиё ёки хап дориси ҳозир кўпгина шифохоналарда синовдан ўтказилмоқда. Уни таблетка ҳолида ишлаб чиқариш ва дорихоналарда сотиш 1981 — 82 йилларда амалга оширилади.

* * *

О. БОБОЖОНОВ. Юрак касалига чалинган болаларни қаерда даволатиш мумкин?

Жавоб: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кардиология кафедрасидан маълум қилишларича, бу хасталикка чалинган болаларни Бутуниттифоқ эксперимental кўкрак хирургияси илмий текшириш институти Тошкент филиали мутахассисларига кўрсатиб, фойдали маслаҳат олиш мумкин. Мазкур шифохона «Чилонзор» метро станцияси ёнида жойлашган.

* * *

А. АБДУЛЛАЕВ: Менга айтишларича, кечаси ухлаганимда тишимни гижирлатар эканман. Менинг бу одатим ҳам касаллик ҳисобланадими?

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлигининг бош мутахассиси, медицина фанлари доктори, профессор Шаҳзода Аскарович Муртолибов бу саволга қуйидагича жавоб беради:

— Одамда бундай ҳолатнинг юз бериши шифокорлар тили билан айтганда, неврастения дейилади. Бу хасталик одам чарчаши, асабларнинг зўриқиши натижасида келиб чиқади. Бош миядаги ички тормозланиш сусайиб қолади, айни вақтда уйқу табиатан юза бўлиб қолади. Баъзилар буни «қуш уйқуси» деб аташади. Уйқу бузилиши туфайли нерв ҳужайраларининг иш қобилияти тўла тикланмайди. Натижада уларда уйқу ҳам чала бўлади, иш вақтида ҳам тез чарчаб қолади. Нормада эса, тормозланиш кўзғалишни режага солиб туради.

Хасталикдан фориғ бўлишда энг аввало бемор кўнгилли дам олиши, иш билан дам олишни навбатлаштириб бориш режимига қаттиқ амал қилиниши зарур. Дори-дармонларни эса фақат мутахассис маслаҳати билан ичиш лозим.

ГОРЧИЦАЛИ ТЕШИК КУЛЧА

Тошкент булка-кондитер комбинатининг ишчилари сушка хамирига горчица мойи қўшадиган бўлдилар. Бундай сушкалар харидорларга ёқиб қолди. Ҳозир мутахассислар яна икки хил янгилик — горчица мойи қўшилган тешик кулча ва бублик пиширишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу йил корхона коллективи харидорларга 2 минг тоннага яқин горчицали тешик кулча, бублик ва сушка юбориш ниятида.

КОНТЕЙНЕРЛАР ПОТОКДА

Ўзбекистон ССР Госкомсельхозтехника корхоналарида ишлаб чиқарила бошланган мева ва сабзавот ташишда ишлатиладиган контейнерлар боғбон ва сабзавотчиларнинг меҳнатини енгиллаштиради. Ҳар бир контейнерга ярим тонна маҳсулот сиғади. Контейнер ичига қўйилган махсус панжаралар олис масофага ташилаётган маҳсулотни яхши сақлаб боради. Контейнерлар осонгина тахланади ва уларни далага элтиш осонлашади.

[ЎзТАГ].



Охунбобоев номли маданият уйи қошидаги бир қатор тўгаракларда ёшлар касб-ҳунар эгаллашмоқда.

СУРАТДА: бичиш-тикиш тўгараги раҳбари Марҳамат Шокирова (ўртада) тўгарак аъзоларига андоза олиш усулини ўргатмоқда.

И. Шоногомов фотоси.

Тўшкент оқшоми
18 ФЕВРАЛЬ, 1981 й.

М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

19, 20 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 да

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ,
Холисхон ҚОДИРОВА
СОЛИСТЛАР:
Фахриддин УМАРОВ,
Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Отамурод ҲОЖИЕВ, Нуржаҳон САТТОРОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Муҳаббат ҚУБАНОВА, Роза ҚАРИМОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ, Таваккал ТУРСУНОВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

Ўзбекистон ССР физкультура ва спорт комитети

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

18—22 февраль кунлари

КАРАТЭ БЎЙИЧА

БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Мусобақалар соат 10.00 дан 15.00 гача ва 18.00 дан 21.30 гача ўтказилади.

Билетлар сотилмоқда.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

46-03-12, 46-07-53 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

МУСОБАҚА ТУГАШИ ВАҚТИГА ШАҲАР ТРАНСПОРТИНИ БЕРИШ ВА АВТОМАШИНАЛАР УЧУН ПУЛЛИК ТЎХТАШ ЖОЙИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН.

ЎЗБЕК ХОРЕОГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИДА

Билим юртига кириб ўқиш истагида бўлган, умумтаълим мактабларнинг 3 ва 6 синф ўқувчилари учун

КЎРИК КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА

Билим юрти опера ва балет ҳамда музикали театрлари, халқ рақс ансамблари, эстрада ансамблари учун балет артистларини тайёрлайди.

Классик рақс бўлимида ўқиш муддати— 8 йил, халқ рақс бўлимида эса 5 йил.

Чоршанба ва шанба кунлари соат 15.00 дан 19.00 гача 56-33-27 телефони бўйича конкурсга ёзилиш ва справка олиш мумкин.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 31-уй.

ТРИКОТАЖ СИЗ УЧУН

«ЎЗБЕКИСТОН» САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ

2-ФИРМА МАГАЗИНИ

23 ФЕВРАЛГАЧА

ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

Савдо-кўргазмасини ўтказади

Бугунги трикотаж — йилнинг ҳамма фаслида, ҳар қандай ҳолларда, ҳатто тантанали маросимларда эртадан то кечгача киядиган кийимимиз бўлиб қолган.

Трикотаж аллақачоноқ болалар кийими бўлиб одат тусига кирган. У қулай, гижимланмайди, яхши ювилади...

«МАЛИКА» бирлашмаси модельер рассомлари томонидан ишлаб чиқилган буюмлар ўзининг пухталиги ва қулайлиги билан ажралиб туради.

ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҚУЙИДАГИЛАР ҲАВОЛА ЭТИЛАДИ:

болалар костюмчалари, ички трикотаж;
спорт костюмлари: ўсмирлар учун— 36 — 42 размерлар, баҳоси 19 сўмдан 22 сўмгача, катталар учун — 44—48-размерлар. Баҳоси— 50 сўм, жун аралаш матодан тайёрланган;
кристалондан узун ва калта енгли қилиб тайёрланган, турли рангдаги байрам блузкалари, 44—48 размерлар. Баҳоси —11 сўмдан 14 сўмгача;
«водолазка»лар: болалар учун— 30—36 размерлар. Баҳоси — 6 сўм, катталар учун — 44—48 размерлар. Баҳоси — 14 сўм, эластикадан;
модали юбкалар ва кўйлаклар, нп аралаш ва полиэфирдан тайёрланган, 44— 48 размерлар.

МАГАЗИНГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

2-магазин адреси: Тошкент шаҳри, Охунбобоев майдони (7, 8, 11, 16-трамвайлар; 28, 36-автобуслар; 8-троллейбуснинг «Чорсу» бекати).



ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ.

ТЕАТР

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/II да Тинмасин соз (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Латвия ССР халқ артисти Степан Денисов раҳбарлигидаги «БЕНГАЛ ЙЎЛБАРСЛАРИ» аттракционининг гастроллари (19.30).

КИНО

18 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МЕН БРЕСТ ҚАЛЪАСИНИНГ СОЛДАТИ»— Қозоғистон.
«ГЕНЕРАЛ ВАТУТИН» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.
«РАИС ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАДИ» — Кўчма.
«БУ МЕНИНГ ҚАЛБИМДА ЭДИ» — Улуғбек.
«МОРДОВИЯ, ВАТАНИМ МЕНИНГ»— Дружба.
«АСРЛАРГА ТЕНГ ЙИЛЛАР» — Фестиваль.
«АЛЕКСАНДР ПРОКОФЬЕВ» — Ғ. Ғулом номли.
«БИЗГА ТИНЧЛИК АЗИЗДИР»— Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.
«ЕР ВА ОСМОН ЎРТАСИДА» — С. Раҳимов номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЎТА МУҲИМ ТОПШИРИҚ» — Санъат саройи (катта зал, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 17, 19.30; телефон 44-39-51), Чайка (18, 21.00 телефон 77-06-20); Қозоғистон (15, 17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92), Дружба (17, 18, 20.30, телефон 66-15-75), Москва (17, 20.00, телефон 33-05-01), Ҳамза номли (16, 18.30, 20.45), ВЛКСМ 30 йиллиги номли (17, 20.00 телефон 33-44-52), Лисунов номли (17, 20.00, телефон 96-34-02), Восток (17.30, 20.30, телефон 91-14-61), Нукус (16, 18.30, 20.45, телефон 46-70-69).
«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — Тинчлик (тоқ соатларда, телефон 53-86-07), Мир (тоқ соатларда), Узбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).
«ГЕНЕРАЛ ШУБНИКОВ КОРПУСИ»— Восток (жуфт соатларда), Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).
«ЎТГАН КУНЛАР КОМЕДИЯСИ» — Искра (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

19 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МЕН, БРЕСТ ҚАЛЪАСИНИНГ СОЛДАТИ»— Қозоғистон.
«ГЕНЕРАЛ ВАТУТИН» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.
«РАИС ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАДИ» — Кўчма.
«БУ МЕНИНГ ҚАЛБИМДА ЭДИ» — Улуғбек.
«МОРДОВИЯ, ВАТАНИМ МЕНИНГ» — Дружба.
«АСРЛАРГА ТЕНГ ЙИЛЛАР» — Фестиваль.
«АЛЕКСАНДР ПРОКОФЬЕВ» — Ғ. Ғулом номли.
«БИЗГА ТИНЧЛИК АЗИЗДИР» — Восток.
«УМУМХАЛҚ ЖАСОРАТИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.
«ЕР ВА ОСМОН ЎРТАСИДА» — С. Раҳимов номли.
«ИЛЛАР ЎТИБ» — Москва.
«ДЕСАНТЧИЛАР» — Чайка.
«МАНШУК»— Ҳамза номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЎТА МУҲИМ ТОПШИРИҚ» — Санъат саройи (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефон 44-39-51), Чайка (12, 15, 18, 21.00, телефон 77-06-20); Қозоғистон (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92), Дружба (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.30, телефон 66-15-75), Москва (11, 14, 17, 20.00, телефон 33-05-01), Ҳамза номли (10.20, 13, 16, 18.30, 20.45), ВЛКСМ 30 йиллиги номли (11, 14, 17, 20.00, телефон 33-44-52), Лисунов номли (11, 17, 20.00, телефон 96-34-02), Восток (11, 14.30 17.30, 20.30, телефон 91-14-61), Нукус (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45 телефон 46-70-69).
«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — Тинчлик (тоқ соатларда, телефон 53-86-07), Мир (тоқ соатларда), Узбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).
«ГЕНЕРАЛ ШУБНИКОВ КОРПУСИ»— Восток (жуфт соатларда), Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).
«ЎТГАН КУНЛАР КОМЕДИЯСИ» — Искра (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» трестининг

УҚУВ ПУНКТИ

вентиляция системаларининг монтажи бўйича слесарь-вентиляциячилар тайёрлайдиган

3 ОЙЛИҚ ҚУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҚУРСЛАРГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 17,5 ДАН 40 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўм ҳажмда стипендия берилади.

МАШҒУЛОТЛАР— ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинградская кўчаси, 19-уй, 3-қават, кадрлар бўлими.



«ЮНУСОБОД» МАССИВИДА ЖОЙЛАШГАН

ЯНГИ ЭЛЕКТР ТОВАРЛАРИ МАГАЗИНИ

УЙ УЧУН, ОИЛА УЧУН ТОВАРЛАР ТАКЛИФ ЭТАДИ

Металлдан ишланган оғир қандиллар ва стол лампалари энди ишлатилмаяпти. Уларнинг ўрнини замонавий мебелларга мос келувчи чиройли ва бежиримқандиллар эгалладики, улар ёруғ беришдан ташқари, ҳозирги замон уй-рўзғор эстетикасига ҳам мосдир. Булар айнан: уч-тўрт ва беш лампали қандиллар, Бра, торшер, стол лампалари бўлиб, гулдор шиша ва пластмассалардан ишланган. Бундай қандилларни янги магазиндан харид қилиш мумкин. Уларнинг ҳар хил қилиб ишланганлиги учун ҳар қандай хонага мослаб танлаш мумкин.

Электр товарлар секциясида: дазмоллар, электр вентиляторлар, пойафзалларни электр қувватида қуритиладиган «Комфорт», «Мечта» электр печь, «Саратов», «Памир—4», «Снайге», «Самарқанд», «Орск—7» холодильниклари мавжуд.

Сиз ошхонангизни шамоллатмоқчисиз, полга лак суртмоқчи ёки дераза, эшикни бўямоқчисиз. Ким ўзи истиқомат қиладиган хонанинг оқланган, шинам бўлишини истамайди дейсиз!

Мойли бўёқлар, бўёқ олифи, НЦ—228 лак рангсиз, мебель учун), паркет лаки, мўйқаламлар, қулфлар, эшик тутқичлари, кранлар ва ювиш воситалари аралашмалари, электр арралар, кўчма компрессорлар, слесарлик ва дурадгорлик асбобларини тарсия қиламиз.

Қуйидагиларни харид қилишингиз мумкин: металл, эмалланган, цинкланган идишлар (тоғорача, кастрюль, қозонлар), турли хил шиша идишлар (фужерлар, қадаҳлар, графинлар, синтетик ювиш воситалари («Нитхинол», «Каштан», «Био», «Универсальная»).

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

СИЗЛАРНИ —27/2 «ЭЛЕКТР ТОВАРЛАРИ» МАГАЗИНИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод—Б-1 массиви, колхоз бозори (51, 60, 72, 107, 119-автобуслар; 25, 28, 29-трамвайларнинг «Колхоз бозори» бекати). **Иш соатлари—9.00 дан 18.00 гача. Танаффус—13.00 дан 14.00 гача. Дам олиш куни—душанба.**

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»

ҲАР БИР КИШИ КИНОҲАВАСКОР БЎЛИШИ МУМКИН

«АВРОРА-215» ва «АВРОРА-219» ҳушбичим замонавий, ҳаваскорлар кинокамераси оддий ва пухта ишлайди, енгил, компактли. Улар битта модель асосида яратилган бўлса-да, бир-биридан объективлари ва диафрагмаларини ўрнатиш усуллари билангина фарқ қилади.

«АВРОРА-215» объективи (Агат-14 — фокус оралиғи ўзгариб туради) бир нуқтадан туриб кинога олаётганда тасвир масштабини ўзгартириш имкониятига эга. «АВРОРА-219» объективи (Т-55) Сизни ёруғликка йўналтиришдан озод қилади.

Ҳар иккала кинокамерада ҳам диафрагмани автомат равишда ўрнатиш системаси ишлаб туради, кинолентаниларни зарядлашнинг кассета усули қўлланилган. Унинг жажжи электр мотори ҳар қандай узунликда кинога олиш ишларини бажариб беради.

Кинокамералар «А-316 КВАНТ» батареясидан ЦНК—0,45 аккумуляторидан, шунингдек 4,4—6 вольт қувватли доимий токнинг бошқа манбаларидан бир хилда яхши ишлайди.

«АВРОРА-215» ва «АВРОРА-219» кинокамералари «СУПЕР» типидаги саккиз миллиметрли кинопленкаларда ишлашга мўлжалланган.

«КВАРЦ-2х8С3» экспозицияси яримавтомат мосламали кинокамера давлат стандартидаги 16 дан 180 единицагача бўлган ёруғликни сезувчи кинопленкадан фойдаланиш имконини беради.

Кинокамералариниг бошқа кинокамералардан асосий фарқи шундаки, улар «СУПЕР-8» кинопленкасида суратга олишга мўлжалланган. «КВАРЦ-2Х8С3» камераси ғалтакка ўралган «СУПЕР-8» пленкасида ишлашга мўлжалланган. Ғалтакка 13 метргача кинопленка ўраш мумкин, бу эса 24 метрлик тайёр фильм беради.

Экспозициясининг ярим автомат усулда ўрнатилиши суратга олиш жараёнини бирмунча ўнгайлаштиради, тасвирнинг юксак сифатлилигини таъминлайди. Суратга олиш частотасининг катта диапазонда эканлиги (12-18-24-36 кад/сек) воқеаларни экранда секин, нормаль ва тез кўрсатиш имконини беради. Кинокамера билан кўчирчоқларни ва расми туширилган мультфильмларни суратга олиш мумкин.

Фильмни суратга олиш — бу ҳали ишнинг ярми. Пленкага ишлов бериш, монтаж қилиш, эҳтимол овоз бериш зарур бўлиб қолади. Ниҳоят, фильм намойиш қилишга тайёр!

ФИЛЬМИНГИЗНИ НАМОЙИШ ҚИЛИШ УЧУН «РУСЬ» КИНОПРОЕКТОРИНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ.

Бу кинопроектор «8» ва «Супер-8» типидаги кинопленкаларда киноҳаваскорлар томонидан суратга туширилган товушсиз ва товушли кинофильмларни синхронизатор ва магнитофон ёрдамида кўрсатишга белгиланган.


Кинопроектор конструкциясида қуйидагилар кўзда тутилган:
фильмни тўғри ва орқага проекция қилиш;
ҳар бир кадрни алоҳида кўрсатиш ва «стоп-кадр»;
фильмни қайта ўрашни тезлаштириш;
объективни ПФ-6А ўзгарувчан фокус оралиғида ўрнатиш;
лампа ёруғида кинофильм кўрсатиш;
синхронлаштирувчи мослама (СИХХРО-8М, СЭЛ-1) ёрдамида магнитофон орқали синхронлаштириш.

ҲАР БИР КИШИ КИНОҲАВАСКОР БЎЛИШИ МУМКИН!

Бунинг учун кино- ва фототоварлар сотувчи магазинлардан зарур аппаратни харид қилишнинг ўзи кифоя.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Кинокамералар, кинопроекторлар ва улар учун керакли товарларни харид қилиш масаласи бўйича «Узкультторг» республика улгуржи базасига мурожаат қилиш керак.



«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

18 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Биз БАМни қуряпмиз». 18.30 «Горичлар, қаердасиз?». 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». СССР Фанлар академияси. 20.25 «Карл Маркс. Навқиронлик йиллари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 21.30 «Время». 22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Рига)— МАСК. 2- ва 3-даврлар. Ригадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.50)— «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

22.00 «Қишлоқ янгиликлари». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Тап ва Мика». Қўғирчоқ фильм. 18.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 19.10 КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК. «Ўзбекистон газ саноати ўн биринчи беш йилликда» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Шеърият билан учрашув». Ҳ. Шарипов. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти Д. Зокиров раҳбарлигидаги Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.30 «Москвада ўзбек киноси кунлари». 1-кўрсатув. 23.40 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Абитуриентлар учун. Физика. 19.40 «Қонун кўриқчилари». 20.10 Янгиликлар. 20.30 Адабиёт. «Совет адабиётида замондошимиз» (рус.). 21.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

19 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Карл Маркс. Навқиронлик йиллари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 11.10 Халқаро конкурслар лауреати З. Шихмурзаева (скрипка) ва А. Гарин (гитара) чалади. 11.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Кинопрограмма. 15.55 «Лениндан ўрганамиз». 16.40 «Шахмат мактаби». 17.10 «Қадрдон табиат». 17.30 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали.

18.15 «Ягона интизом». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Ёзувчи С. Сартаков сўзи. 19.40 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.25 «Карл Маркс. Навқиронлик йиллари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». 23.20 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

22.00 Баскетбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. МАСК —«Босна» (Сараево. Югославия). МАСК Универсал спорт залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.40)— «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ўрта Осиёда қушларнинг хилма-хиллиги». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Доре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви (такрорий). 12.30 «Ўрта Осиёда қушларнинг хилма-хиллиги». Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Мукофот». Бадиий фильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тонгги қўшиқ». Мультфильм. 18.20 «Ишлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим». 18.50 «Ўлкамизни соғ-роларга буркайлик». 19.10 «Мусобақа: мақсад, характер, тажриба». Тошкент 1-уйсозлик комбинати. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 КПСС XXVI СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАНГАН ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ТЕЛЕВИЗИОН ФЕСТИВАЛИ. ЭКРАНДА — ҚОЗОҒИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 20.30 «Ахборот». 20.50 КПСС XXVI СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАНГАН ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ТЕЛЕВИЗИОН ФЕСТИВАЛИ. ЭКРАНДА — ҚОЗОҒИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.30 «Москвада ўзбек киноси кунлари». 2-кўрсатув. 23.35 Каратэ бўйича СССР чемпионати. «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Эстетика асослари. «Санъат турлари. Хореография». 19.20 «Тошкент танкчилар билим юрти». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Илғор тажриба мактаби». Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Красний водопад» экспериментал базаси. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

16 ФЕВРАЛЬ, 1961 й. Р. 07074. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмохонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. В—2051. 5